



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чика бошлаган

● 2000 йил, 22 сентябрь, жума № 38 (421)

Сотувда нархи эркин

Кимдир узоқдаги қариндошига, кимдир ҳарбий хизматдаги углидан хат-хабар олиш мақсадида почта алоқа хизматини танласа, айрим фуқароларимиз алоқанинг тезкор имкониятидан фойдалангани келади. Шунинг учун ҳам почта ва телекоммуникация соҳасининг хизматлари беқийсдир. Шунинг унутмаслик кераки, телефон ва радио коммуникациялари ҳозирги беҳаловат, нотинч дунёнинг фалокатино, ёвуз кимсаларнинг қабих ишларидан теъдда огоҳ эълочи восита ҳамдир.

1999 йил, февраль ойида Сурхондарё давлат алоқа инспекцияси томонидан «Сурхондарё почтаси» ХЖнинг фаолияти текширилган эди.

қарор чиқарилди. Текшириш натижаси таҳлиллари буйича утказилган йиғилишда ДАИ томонидан берилган курсатма бажарилмагани, касса операцияларини юритиш қоидалари қўпол равишда бузилиб, уғирлик содир этилишига шароит вужудга келганлиги, пул маблағларини назорат қилиш сўсайтириб юборилганлиги сабабли ушбу филиал директорининг лавозимида қолиш-қолмаслик масаласи куриб чиқилиши тақлиф қилинди. Алоқа-чиларимиз орасида ишни эглай олмайдиган раҳбарларга урин йўқлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, «Сурхондарё Телеком» шўба корхонаси филиалларида утказилмаётган текширувларда ҳам ДАИ

қонияти яратилиши керак. Худди шундай манзарани Олийсой тумани Сувлисой қишлоғида ҳам учратдик. Бу қишлоқ фуқаролари телефон ва радио хизмати фаолиятини тиклаб беришни талаб қилиб филиал директориға икки мартаба арıza билан мурожаат қилишган. Ушбу аризага эътиборсизлик билан қаралиб, ҳатто руйхатга ҳам олинмагани, урганиб ҳам чиқилмагани бизни гоятда ажаблантирди. «Фуқаролар мурожаатлари» тўғрисидаги қонун талабларига нисбатан бундай лоқайдликни, қишлоқ фуқароларининг ҳақи талабларига белгисизлик билан қаралаётганлигини нима деб баҳолаш мумкин?

ЭГИЛГАН БОШНИ ҚИЛИЧ КЕСМАС

Биз ёшлар Президентимизнинг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармониғи ўқиб, ниҳоятда таъсирландик. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги қўп жиҳатдан ушиб келаётган ёш авлодга боғлиқдир.

Ватанпарварлик, эзгулик ва тараққийпарварлик гоғлари замирида улкан муваффақиятлар қозонаётган тенгдошларимиз, спортчилар, санъаткор ёшлар барча жабҳаларда изланиб, меҳнат қилишавтир. Ҳозирги йигит ва қизларимизнинг ягона мақсади она Ватанимизга фидойий ва маънавий баркамол инсон бўлиб етишишдир. Мустиқиллигимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг олий бурчимиз бўлмоғи керак.

Ватанимиз тузини ичиб, тузлигимга тупурган нопок ким-

салар қалбимизда нафрат уйғотади. Лекин улар орасида террористик гуруҳларга адашиб кириб қолган, эндиликда афсусланаётган ёшларнинг борлиги барчамизни қайғуга солмоқда.

Ватанимизга, Президентимизга таъба-тазарру қилган ўзбекистонлик ёшлар авф этилиши, улар яна ота-оналари бағрида ҳалол меҳнат қилиб, осуда ҳаёт кечиришларига яна бир имконият яратилди. Дунёнинг паст-баландини англаб етмаган, ўз эрки ва иродасини жаҳолатпарастлар ихтиёрига топширган бундай йигитларнинг бағри кенг халқимиз, Президентимиз томонидан кечирилиши бизни гоятда қувонтирди.

Ш. ТУРСУНОВ,
ТЭАИ менежмент ва
маркетинг кафедраси
ассистенти
У. КАЛОНОВ,
ТЭАИ талабаси

ҚАНДАЙ ДАВРДА ЯШАЁТГАНЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

Текширув жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланиб, курсатма берилганди. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг, 153-моддасига асосан почта қоидалари ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги учун турт нафар раҳбар (жумладан, Сурхондарё почтаси) ХЖнинг собиқ бош директори ҳам)га нисбатан маъмурий ҳужжат чоралари қўлланилиб, жарима ундириш тўғрисида қарор чиқарилган эди. Жорий йилнинг июль ойида бу қорхона фаолияти яна текширилди. Авадиги утказилган текшириш натижаларига асосан берилган курсатмининг бажарилиши курилганди. «Сурхондарё почтаси» ХЖнинг Шеробод филиалида бирмунча ижобий ишлар қилингани кузатилса, Музрабод филиалида эса «Почта қоидалари», «Почта алоқаси буйича қорхоналарда касса операцияларини юритиш қоидалари талаблари қўпол равишда бузилганлиги ва ДАИ томонидан берилган курсатма умуман бажарилмаганлиги аниқланди.

Музрабод филиалининг турт нафар раҳбар ходими — филиал бошлиғи, уринбосари, бош ҳисобчиси ва газначисига нисбатан маъмурий жаҳо чораси қўлланилиб, улардан жарималар ундириш тўғрисида

курсатмалари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг маъмурий жавобгарлик талаблари бажарилмаётгани, демаки, лицензия келишув шартининг бажарилмаётгани аниқланди.

Қорхона ходимларининг ўз вазифаларига совуққонлиги фуқаролар томонидан ариза ва шикоятларнинг уринли равишда қўлайлишига олиб келмоқда. Масалан, Сурхондарё Давлат алоқа инспекциясига Бойсун туманининг Дугоба қишлоқ фуқаролари қишлоқда бир йилдан буён телефон станцияси ишламаётганлиги, туман маркази билан бевосита алоқанинг умуман йўқлиги боис ушбу алоқани тиклаб беришни сўраб мурожаат қилишганди. Ариза урганиб чиқилганда, далиллар тула ўз тасдиғини топди. Шу ерда ҳақиқат савол туғилади: Нима учун қишлоқ аҳолисининг уринли талаблари инспекция ходимларининг аралашувисиз ҳал этилмади? Туман филиалига Сурхондарё Давлат алоқа инспекцияси томонидан берилган курсатмага асосан ушбу қишлоқ билан алоқани тиклаш учун лойиҳа сметаси тузиб тасдиқланди ва тиклаш ишлари бошлаб юборилди. 2000 йил, октябрь ойигача ушбу қишлоқ аҳолисига туман маркази билан автоматик равишда боғланиш им-

«Сурхондарё Телеком» шўба қорхонасида иш шу тарзда давом этаркан, ундан қандай янги узғаришларни кутиш мумкин? Вилоят телекоммуникациялари соҳасида кескин узғаришлар қилиш лозим.

Бугунги кун шунини талаб қилмоқда. Ҳар қадамда учрайдиган фалокат ва ёвузлик куришилларига барҳам бериш мумкин, долзарб масала бўлиб турганда, чегара ва тоғли туманларни алоқа воситаси — телефонсиз тасаввур этиш қийин. Агар аҳвол шундай давом этаверса, уларнинг фаолиятига берилган лицензиянинг қаҳрири олиш ва раҳбарларнинг лавозимларига лойиқлигини куриб чиқишни тақлиф қилиш мўлжалланмоқда.

Вилоятда аҳвол ҳақиқатдан ҳам аниқларли. Бу бизнинг йилда бир марта текшириб чиқарган хулосаларимиз. Ҳар ким ўз иш жойида элим деб, юртим деб жон қойитиб ишлайдиган, Президентимиз таъбири билан айтганда, савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қиладиган даврда яшаётганимизни унутмайлик.

Ж. МУРОДОВА,
Сурхондарё давлат алоқа инспекцияси бошлиғи,
Э. МАТҚУРБОНОВ,
Давлат алоқа инспекцияси меъёрий ҳужжатлар бўлими ходими

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг буйруғига қўра Хуршид Мирсобирович МИРЗОҲИДОВ Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вазифасига тайинланди.

● Обуна-2001

«ХАВАР»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Хурматли йўқарийлар!
Мана, дўппи бир айлангунча умр дафтарининг яна бир саҳифаси ниҳонсига етди. Янги обуна мавсуми бошланди.

Агар Сиз «Хавар»га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб орасиз.

Янги аср ахборот асри бўлади. Бу ҳақиқатни буюқ бобомиз Алишер Навоий бундан қўп асрлар муқаддам чиройли қилиб айтиб кетганлар:

Эурсен шоҳ, агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен.

Бозор иқтисодиёти шароити ва Сизларнинг имкониятларингизни ҳисобга олиб, бу йил обуна баҳосини ўзгартирмадик.

«Хавар» газетасига 2001 йил учун обуна бошланди. Газетамизга барча алоқа бўлимларида ёзилиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:
Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.
«Хавар» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришни истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

1989 йил, 21 октябрь тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилди. Шу куни тилимизга «Давлат тили» мақоми берилди. Мана шунга ҳам ҳадемай 11 йил бўлади. Утган давр мобайнида Самарқанд вилоят телекоммуникация тизимида давлат тилини амалда қўллашга алоҳида эътибор қаратилди. «Самарқанд Телеком» шўба қорхонаси қошида «Давлат тили» тўғрисидаги Қонунининг бажарилиши юзасидан қорхона раҳбари

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

бошчилигида махсус комиссия тузилди. Қорхонада иш юритиш бўйруққа асосан давлат тилида олиб борилаётди.

Вилоят телекоммуникация тизимида ишлаётган русийзабон ходимларнинг давлат тилида сузлашиш ва иш юритишга ургатиш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилди. Шу боис қорхонада бир қатор амалий ишлар бажарилган. Жумладан,

шаҳардаги «Гулруҳ-70» фирмаси билан шартнома тузилиб, мутахассислар томонидан «лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини урганиш» курслари ташкил этилди. ماشгулотларда «Самарқанд Телеком» шўба қорхонаси ва Самарқанд шаҳар ва шаҳарлараро бирлашган телефон-телеграф станцияси филиали ходимлари қатнашдилар. Курслар якунида ходимларнинг

билан савиясини аниқлаш учун синов имтиҳонлари утказилди. Ана шундан бўлса керак, ҳозирги кунда қорхона буйича қабул қилинадиغان ишлаб чиқариш буйруқларининг асосий қисми давлат тилида тайёрланмоқда. Қадрлар шахсий таркибига оид ҳужжатларнинг давлат тилида қабул қилиниши юқоридаги амалий ишларнинг самарасидир.

Зебо ХУДОЁРОВА,
Самарқанд вилояти

ШОШИЛИНЧНОМА

«Қашқадарё почтаси» ХЖ Чироқчи филиали почтачиларининг 110 нафари «Хавар» газетасига 2001 йил учун тулик обуна бўлишди.

ЖУМАНОВ,
Чироқчи филиали директори

СТРЕМЛЕНИЕ БЫТЬ ЛУЧШИМИ

DAEWOO UNITEL

благодарит своих абонентов
за преданность и доверие, оказанные компании.

3
ГОДА

22000
КЛИЕНТОВ

37 **БАЗОВЫХ СТАНЦИЙ ВНЕ**
КОНКУРЕНЦИИ СРЕДИ
GSM-ОПЕРАТОРОВ

(не включая репитеры)

For your satisfaction only!

DAEWOO
UNITEL
GSM CELLULAR SERVICE



Звоните по телефонам: 133-33-30, 185-09-80; абонентский отдел: 185-00-55.
Приходите по адресу: г. Ташкент, ул. Пушкина, 1 или отель "Интерконтиненталь"

Агентские офисы компании: Фергана: 24-10-31, Коканд: 233-30,
Наманган: 637-06, Андижан: 46-11-50,
Бухара: 223-14-64



ДУШАНБА, 25

«Узбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.45 «Хайлинома»
8.45-9.15 «Мир»

«Шарлар» телеканали

9.00 «Давр» телеканали
9.00 Курсулар дастури
10.05 «Янги авлод» постчаси

«Ташкен» телеканали

17.55 Курсулар тартиби
18.00, 21.00, 23.10 «Поитхат»
Ахборот дастури

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ

СЕШАНБА, 26

«Узбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»

«Оламга сабаҳат» Кинокурсулар
14.40 «Кишлоқ ҳаётида»
15.00 ТВ-клип

«Шарлар» телеканали

8.55 Курсулар дастури
9.00 «Ахборот»
9.05 «Янги авлод» студияси

«Тошкент» телеканали

7.30 «Поитхат» Ахборот дастури
7.55 «Экспресс» телегазети
8.25 «Рамайна»

«Чоршанба» 27

8.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет

«Шарлар» телеканали

8.55 Курсулар дастури
9.00 «Давр» телеканали
9.00 Курсулар дастури

нинг орзу-армандлари. Телесериял
15-кис. 15.25 «Узбоғим кураши»
15.45 «Хит-коллекция»

«Тошкент» телеканали

7.30 «Поитхат» Ахборот дастури
7.55 «Экспресс» телегазети
8.10 «Омад» тележурнали

ПАЙШАНБА, 28

«Узбекистон» телеканали

8.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет

«Шарлар» телеканали

8.55 Курсулар дастури
9.00 «Давр» телеканали
9.00 Курсулар дастури

«Тошкент» телеканали

7.30 «Поитхат» Ахборот дастури
7.55 «Экспресс» телегазети
8.10 «Омад» тележурнали

8.55 «Рамайна»
65-кис. 9.30-9.55 «Поитхат»
Ахборот дастури

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ

«Узбекистон» телеканали

8.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет

«Тошкент» телеканали

7.30 «Поитхат» Ахборот дастури
7.55 «Экспресс» телегазети
8.10 «Омад» тележурнали

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ

кинолар! 20.00 «Время»
20.50 «Бизнес-рево»
21.10 «Дил изхори»

ШАНБА, 30

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет

«Шарлар» телеканали

8.00 «Давр» телеканали
8.00 Курсулар дастури
9.05 «Янги авлод» студияси

«Тошкент» телеканали

9.00 «Тошгит поитхат»
9.40 «Омад» тележурнали
9.55 «Экспресс» телегазети

«Халқаро» телеканал

9.00 Курсулар тартиби
9.05 «Янги авлод» студияси

ЯҚШАНБА, 1

«Узбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот»
8.35 «ТВ-маркет»

«Шарлар» телеканали

8.00 «Давр» телеканали
8.00 Курсулар дастури
9.05 «Янги авлод» студияси

«Тошкент» телеканали

9.00 «Тошгит поитхат»
9.40 «Омад» тележурнали
9.55 «Экспресс» телегазети

«Халқаро» телеканал

9.00 Курсулар тартиби
9.05 «Янги авлод» студияси

Нихоятда латиф ва гузал бир йигит бор эди. Унинг ғоятда зукко хотини бор эди. Хотин доимо эрига «Мабодо шайтон васваса қилиб, эглай олсанг бировга ишқибозлик қилгин. Агар тутилиб қолсанг, тезлик билан менга хабар қил! Токи бирор чора-тадбир уйлаб топай ва сени бу андишадан чиқарай», дерди.

Кунларнинг бирида йигит подшоҳнинг хос канизакларидан бири билан султоннинг боғида суҳбат қуради. Шароб ва мевалар муҳайё бўлиб, висол онлари яқин эди. Подшоҳнинг хос ҳожибларидан бирининг назари ушбу канизакка тушиб, унинг ҳирсини кузгатган эди. Аммо канизак уни ёқтирмас эди. Ҳожиб эса доим унинг изидан юриб, таъқиб қиларди.

Нихоят, ҳожибга подшоҳнинг канизаги бегона йигит билан шоҳ боғида суҳбат қурди, деб хабар етди. Ҳожиб ўзи билан бирга бир неча хизматкорларни олиб келди ва йигит билан канизакни ушлаб, подшоҳнинг зиндонига олиб кетди ва зиндонбон қулга топширди. Тонг отгач, подшоҳ хузурига арз қилиб бормоқ ва

● Мерос
Муҳаммад АВФИЙ
**ДОНО ХОТИННИНГ
ТАДБИРИ**

унинг фармонига мувофиқ иш қилмоқни ўз олдига мақсад қилиб, ҳожиб уйига қайтиб кетди.

Йигит узини бало домиди курди. Богбоннинг шогирдини ўз уйига жунатиб, аҳволидан хотинига хабар етказди. Хотин дарров бир товоқ ҳолва пишириб, устига балиқ ва бир неча нон қўйди. Чодирасини ёпиниб, зиндон олдига келиб, зиндонбонга деди: Менинг бошимга бир иш тушди. Зиндондагиларга ҳолва ва таом беришни ният қилган эдим. Агар сен бу хайрли ниятга хайрихоҳ бўлсанг ва эшикни очсанг, бу таомни уларнинг олдига қўйсам. Сенга хизмат ҳақини берсам, шояд Худой таоло лутф қилса ва мен ўз назининг урдасидан чиқсам».

Зиндонбон зиндон эшигини очди. Хотин зиндонга кирди. У

таомни зиндондагиларнинг олдига қўйди. Ўз чодирасини мазкур канизакка бериб деди: «Чодирани ёпиниб, ташқарига чиқиб кетавер. Агар зиндонбон сендан таомни маҳбусларга беришми, деб сураса, бердим деб жавоб бер!».

Шундан сунг канизак чодирани бошига ёпиниб, буш товоқни бошига қўйиб, эшик томон юриди ва саломат чиқиб кетди.

Эртаси куни ҳожиб подшоҳнинг хузурига арз қилди: «Кеча тунда фалон канизакни боғда номаҳрам бегона йигит билан қулга туширдим ва зиндонга солдим».

Подшоҳнинг рашк ўти аланга олиб, тахтни майдон уртасига қўйиб, жазо қуролларини муҳайё қилишни буюрди. Шундан сунг йигит билан хотинни қуриқлаб келтиришларини буюрди.

Нихоят, йигит подшоҳнинг олдига келган эди, подшоҳ унга: «Бизнинг ҳарамимизга ибосизларча қадам қўйиб киришга қандай ҳақкинг бор?!» деб бақирди. «Эй шохим, бу ишда айб хотинимдадир. У доим менга подшоҳнинг боғига бориб томоша қилайлик, дерди. Богбон бизга дўст эди. Шундай бўлса ҳам мен унга яхши эмас, бизнинг подшоҳ боғига боришимиз одобдан эмас, дердим. Хотиним менинг сўзимни эътиборга олмади. Мана энди подшоҳнинг қаҳру ғазабига гиррифтор бўлиб турибмиз», деди йигит.

Подшоҳ йигит ёнидаги хотинга яхшироқ боқиб қурдики, канизак эмас, балки йигитнинг хотини экан. Подшоҳ жуда қаттиқ ранжиди ва халойиқ уртасида ҳожибга минг қамчи уришни буюрди. Йигит билан хотинидан уэр сўради ва: «Менинг боғим сизларникидир, қачон хоҳласангиз уша пайтда келиб томоша қилинглр» деб фармон берди.

Йигитнинг балодан қутулиб қолишига сабабчи хотиннинг ақл ва идроки эди. Агар хотин ғайрат қилмаганда эди, йигит ғазабга учраб, ҳалок бўларди. Бундан маълум бўладики, оқила хотиннинг фикридан кўра эзгулироқ истеъдод йўқ.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатлий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган кўлёмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-742.
5757 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

АРАБ ҲИКМАТЛАРИ

Дангасаликнинг оқибати фақирликдир.

Олимнинг улгани, оламнинг улгани.

Кимки келажақ ҳақида уйласа, офатдан қутилиди.

Ҳар бир гапнинг жавоби бор: ҳаргиз аччиқ гапирманглр ва ёмонлик қилманглр.

Ҳар бир ишнинг ўтрамиёнаси яхшидир.

Кимки изласа — топади.

Сиринг сенинг асирингдир, агар сен уни айтиб қўйсанг, сен сирингнинг асирсан.

Кимки керак бўлмаган нарсани айтса, истамаган нарсасини эшитида.

Вафосиз ваъда сабабсиз душманликдир.

Ёлгончилик — дард, тўғрилиқ — шифодир.

Тинчлик саломатлик белгиси ва тириклик сабабчиси.

Билмаган нарсанг билан ҳаргиз мақтанма.

ШИҶО

Ярим литрли чойнакка бир чой қошиғида қора чой, икки чой қошиғида асал ва бир чимдим мурч солинг, устидан қайнаб турган сувдан қуйиб дамланг. Чойни пиёлага оз-оздан қуйиб, совуртмай инсангиз яхши терлатида. Шундан сунг иссиқ урилиб ётиш керак. Терлаш хасталикни анча енгиллаштиради, мурч таркибидаги фетонцид моддаси эса вирусларга қирон келтиради.

Яна бир муолажа қуйидагича амалга оширилади. Булка ноннинг сиртига саримсоқ суркаб, бир оз туз сепиб, туйғунча истеъмол қилинади. Саримсоқда фетонцид моддаси жуда кўп бўлиб, оғиз бўшлиғи, ошқозон ва ичаклардаги вирусларни улдиради. Нон неъматни қонга сўрилувчи бўлганлиги учун саримсоқдаги танамиз учун фойдали моддаларни «етақлаб» қон орқали бошқа аъзоларга олиб ўтади.

● Биласизми?

МАКАРОННИ КИМ ЎЙЛАБ ТОПГАН

Италиянинг курорт шаҳри — Сан-Ремо яқинида «Макаронлар музейи» жойлашган. Экспозицияда хамирдан тайёрланган юзлаб йил макаронлар қўйилган. Музей ташкилотчиси Вани Анези макаронлар Италияда ихтиро қилинганлигини исботлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ваҳоланки, шу пайтгача макаронларни тайёрлаш рецептини Хитойдан таниқли савҳатчи Марко Поло XIII асрнинг охирида олиб келган, деган фикр юрди. Вани Анези ана шу фикрнинг нотўғрилиғига асос қилиб 1252 йил санаси қўйилган ҳужжатни курсатмоқда. Бу ҳужжат Генуядаги архивдан топилган бўлиб, унда бир италийан аскарининг қуроллари ва шахсий буюмлари ҳақидаги ёзувлр билан бир қаторда, макарон солинган битта халтача ҳам бўлганлиги қайд этилган экан.

ЭЪЛОН!

Газетамизнинг навбатдаги сони 6 октябрда чиқади.



Киройи ҳосилинг шундай бўлса!

Америкалик ихтирочи Томас Алва Эдисон телефони таксимлаштириш устида ишлаётиб, пулат игна кавшарланган диафрагма ёнида беихтиёр хиргой қилади. Шунда пластинка дириллаб кетиб,

ФОНОГРАФ ИХТИРО ҚИЛИНГАН КҮН

бармоғига игна санчилади. Бу тасодиф ихтирочининг хаёлида пластинка яратиш фикрини тугдиради.

Бу оламшумул кашфиёт 1877 йилнинг 12 августида юз бериб, уша кун фонограф ихтиро қилинган кун сифатида тарихга кирди.

Шуни ҳам айтиш керакки, худди уша йили француз олими Ш. Кром ҳам механик товуш ёзиш усулини яратган. Унинг айланиб турган гардши ёки цилиндрга товуш йулини тушириш тажрибаси грамплас-

тинка тайёрлашда кенг қўлланилган.

Грампластинка дастлаб АҚШнинг Камдене шаҳрида қурилган махсус заводда ишлаб чиқаришга киришилди. Россияда эса бу янгилик 1910

йилга келиб амалга оша бошлади.

Эътиборга сазовор жойи шундаки, қўллаб ўзбек хонандарининг овози инқилобдан илгари пластинкага ёзилган. Хусусан, Тўйчи ҳофиз, Ҳамроқул қори, Нетайхон сингари санъат усталарининг ижроси ёзиб олинган грампластинкаларнинг ханузгача сақланиб қолгани санъатимиз тарихини безайдиган жонли далил сифатида қадридир.

А. АЛИЕВ тайёрлади

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси компания ходими Н. Алиевга ўқиси
Марат НАВМЯТУЛИНИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изхор этади.